



ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА РАЎБАТЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ. (ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ МИСОЛИДА)

Ахмедов Анвар Тоирович

ИИВ Академияси мустақил изланувчи

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10441854>

ARTICLE INFO

Received: 21th December 2023

Accepted: 28th December 2023

Online: 29th December 2023

KEY WORDS

Давлат, бошқарув,
раъбатлантириш, ички ишлар
органлари.

ABSTRACT

Мақолада давлат бошқарувида раъбатлантириш усулларини қўллашнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, шунингдек ички ишлар органлари бошқарувида раъбатлантириш усулини қўллашда ҳуқуқшунос олимлар ҳамда амалиётчилар фикрлари ўрганилиб, муаллиф томонидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Юридик адабиётларда давлат хизматчиларини раъбатлантириш учун икки хил асос мавжуд: **норматив ва фактик. Норматив-ҳуқуқий база** турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланиб, давлат хизматчиларини раъбатлантириш чораларини назарда тутди. Ушбу ҳужжатларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: қонунлар ва қонуности ҳужжатлари. Ўзбекистонда давлат фуқаролик хизматида раъбатлантириш чораларининг конституциявий асослари тўғридан-тўғри кўрсатилмаган. Лекин айрим конституциявий нормаларни мазкур масалага боғлаш мумкин. Хусусан, Конституциянинг 42-моддасига кўра, Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир¹. Мазкур нормада адолатли меҳнат шароити деганда маълум маънода раъбатлантириш чораларидан фойдаланила оладиган шароитда ишлаш мумкинлигини англатади².

Қизиқ савол туғилади раъбатлантириш усули қачондан пайдо бўлган. Раъбатлантириш институтининг шаклланиши ва ривожланишининг тарихий босқичларини таҳлил қилиб, О. М. Киселева ва А.В. Малько қонунчилик тартибсиз ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси [Электрон манба: <https://lex.uz/docs/6445145>. Мурожаат вақти: 29.12.2023 й.].

² Жураев А. Давлат фуқаролик хизматида раъбатлантириш чораларини қўллашнинг ҳуқуқий асослари //Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 8/S. – С. 326-335.



индивидуал элементлардан ривожланишнинг минг йиллик босқичидан кўпроқ вақт давомида рағбатлантириш чоралари кенг тизим даражасида ривожланди³.

Ҳар бир ҳуқуқий соҳада (конституциявий, маъмурий, меҳнат, жиноий, фуқаролик ҳуқуқи) рағбатлантириш нормалари жамоатчилик билан муносабатларни тартибга солишда муҳим рол ўйнаши, аммо уларнинг энг муҳим таъсири ижро этувчи ҳокимият фаолиятининг мақсадлари ва мақсадларига эришишда намоён бўлиши оқилона таъкидланган⁴. А.В.Малько томонидан давлат фуқаролик хизматида рағбатлантириш чораларини қонуности ҳужжатлари асосида тартибга солиниши танқид қилиб чиқади. Шу муносабат билан, кўриб чиқиладиган ҳуқуқий тартибга солиш соҳасини оптималлаштириш ва тўлиқ ривожлантириш учун олим рағбатлантириш тўғрисидаги қонунини ажратишни таклиф қилади. Хусусан, Мукофот кодекси қабул қилишни таклиф этади⁵. Ушбу ғоянинг тарафдорлари орасида юридик олимлар Е. В. Типикина, В. А. Григорьев, А. Н. Караваев, В. В. Попов⁶ ҳам бор.

Шу ўринда, давлат бошқарувида иштирок этувчи ички ишлар органларида рағбатлантириш усулини қўлланилиши ҳақида тўхталиб ўтсак, ички ишлар органлари ижроия ҳокимиятнинг бир бўлаги ҳисобланади. Ички ишлар органлари мураккаб механизмга эга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонунига мувофиқ давлат ва жамият ҳаётида **15 та** фаолият йўналиши, **52 та** бандда кўрсатилган мажбуриятлар, **43 та** бандда кўрсатилган ҳуқуқларга эга тизим ҳисобланади. Уларнинг мажмуи эса, ходимларнинг ваколатларини белгилаб берувчи асосий омилардан ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон қарори билан ички ишлар органларида рағбатлантириш тизими янада такомиллаштирилди. Жумладан, Қарорнинг “Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми” кодекси акс этган 1-иловасида Ички ишлар органларида касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларига риоя этиш ходимларда юксак онгу тафаккурни шакллантириш,

³ Киселева О. М., Малько А. В. Институт правового поощрения в России: историко-юридический аспект // Известия высших учебных заведений. Правоведение. 1999. № 3 (226). С. 40. Также см.: Бахрах Д. Н. Поощрение в деятельности публичной администрации // Журнал российского права. 2006. № 7. С. 71; Осинцев Д. В. Методы административного воздействия. СПб.: Юридический центр «Пресс», 2005. С. 101; Жураев А. Давлат фуқаролик хизматида рағбатлантириш чораларини қўллашнинг ҳуқуқий асослари // Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 8/5. – С. 326-335.

⁴ Волкова В. В. Поощрения публичных служащих: понятие, виды, процедура применения // Вестник Майкоп. гос. технол. ун-та. 2013. № 2. С. 78

⁵ Малько А. В. Поощрительно-правовая политика в России: необходимость формирования // Современное право. 2010. № 12. С. 29–32

⁶ Типикина Е. В. Заслуга как основание для правового поощрения... С. 10; Григорьев В. А. Наградное (поощрительное) право, как средство предупреждения коррупции среди государственных служащих // Конституционное и муниципальное право. 2003. № 3. С. 35–37; Караваев А. Н. Проблемы совершенствования института поощрения в государственно-служебных отношениях: перспективы развития // Правовая культура. 2017. № 2 (29). С. 59–63; Попова В. В. Поощрительные нормы современного российского права : автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Омск, 2015. С. 24–25.



маънавий-маърифий ишларни изчил олиб бориш, шунингдек, уларга нисбатан рағбатлантириш чораларини қўллаш орқали таъминланадиган бўлди.

Жумладан, кодекснинг 30 бандида ички ишлар органлари ходимларига нисбатан 6 та рағбатлантириш чоралари қўлланилиши белгиланди. Булар:

- миннатдорлик эълон қилиш;
- қимматбаҳо ёки эсдалик совғаси ёхуд пул мукофоти билан тақдирлаш;
- фахрий ёрлиқ билан тақдирлаш;
- идоровий кўкрак нишони билан тақдирлаш;
- муддатидан олдин навбатдаги махсус унвон бериш;
- эгаллаб турган лавозими билан назарда тутилгандан бир поғона юқори махсус унвон бериш кабилардир.

Ушбу рағбатлантириш чорларини қўллаш орқали ходимларнинг онгу тафаккурига Ватан ва халқ манфаатларига хизмат қилиш шарафли ва муқаддас бурч эканини англатиш, давлатимиз ва ички ишлар органлари ходими эканлигидан фахрланиб, қасамёдига содиқ бўлиш ҳамда касбий бурчини бажаришда қонунийликка қатъий риоя этиш туйғусини чуқур сингдириш орқали халқнинг уларга бўлган ишончи ва ҳурмат ҳиссини юксалтириш мақсадида амалга оширилади.

Ўтган қисқа вақт мобайнида ИИО фаолиятига бир қатор инновацион лойиҳалар ва ишланмалар жорий этилди. Хусусан, «Хавфсиз шаҳар», «Хавфсиз пойтахт», «Хавфсиз туризмни таъминлаш», «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш», «Хавфсиз хонадон» каби ўзига хос янги концепциялар ҳаётга жорий⁷ этилди. Ушбу ишларни замирида эса юртбошимиз томонидан ички ишлар органларига тинимсиз рағбатлантиришлар белгилаши сабаб бўлмоқда.

Бу борада, Б.А.Саидов ва Ў.Б.Асқаровлар рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш масалаларини тартибга солади. Бу эса, ҳудудий ички ишлар органлари фаолиятини бошқаришда, унинг таъсирчанлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади⁸ деб ҳисоблади.

Ушбу олимлар фикрига қўшилган ҳолда рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш энг таъсирчан механизм эканлигига ишонч билдирамиз. Чунки, бошқарув сифатини яхшилаш, унинг самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан бошқарув усулларини такомиллаштиришга боғлиқ. Ички ишлар органлари олдида қўйилган кенг қўламли вазифа ва функцияларни бажариш учун ишонтириш (рағбатлантириш) ва мажбурлаш (чора қўллаш) усулларида фойдаланилади.

Мисол учун 2019 йилдан буён йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарималар суммасининг **45 фоизи** Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилади. Илгари бу қиймат жарималарнинг **55 фоизини** ташкил этган. Жарималар суммасининг **10 фоизи** эса йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш жамғармасига ўтказилади. Қонунчиликка мувофиқ, қониқарсиз фаолият юритаётган профилактика

⁷ Жўраев М. Ички ишлар органлари бошқарув тизимига инновацион лойиҳаларни жорий этиш давр талаби //Innovations in Technology and Science Education. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 185-191.

⁸ Саидов Б.А., Асқаров Ў.Б. ички ишлар органлари фаолиятини бошқаришда ишонтириш ва мажбурлаш усулларини такомиллаштириш //ta'lim va rivojlanish tahlili onlayn ilmiy jurnali. – 2023. – Т. 3. – №. 3. – С. 28-32.



инспекторлари ва тезкор ходимлардан лавозим маошининг **50 фоизгача** жарима солинадиган⁹ бўлди.

Албатта ички ишлар органлари бошқарувида рағбатлантириш қўллашда ёки интизомий жазо чораларини тўғри қўллаш орқали қуйидаги ютуқларга эришиш мумкин:

биринчидан, ички ишлар органларида “Касбий деформация” –узоқ йиллик хизмат тажрибаси натижасида ўзига бўлган ишонч ва ўз-ўзига баҳо бериш кўрсаткичининг ортиб кетиш (мансаб ваколатидан четга чиқишга бўлган мойиллик) ҳисини йўқотишга;

иккинчидан, ички ишлар органларида бошқарув фаолиятида маънавий носоғлом муҳитни йўқолишига ва ходимларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси ошиб тизим имижини янада яхшилаш ҳамда халқ манфаатларига хизмат қилиш шижоати ошишига;

учинчидан, ходимлар фаолиятини электрон баҳолашни унификация қилиш орқали шахсий таркибнинг касбий салоҳияти ва фаолияти натижаларини КРІ тизими асосида баҳолаш, баҳолаш натижалари бўйича уларнинг рейтингини юритиш тизимини кенг тарғиб қилиш. Бу ходимларни баҳолашда инсон омилини йўқотиш орқали турли гуруҳбозлик иллатларига барҳам беришга эришилади.

Хулоса қилиб айтганда, рағбатлантириш усули ички ишлар органлари фаолиятини бошқаришда ўз вақтида, тўғри фойдаланиш, ходимларнинг коррупцияга қарши мафкуравий иммунитетини кучайтиришга, ички ишлар органларининг ижобий имижини шакллантиришда шунингдек, бошқарувнинг самарадорлигига такомиллашишига ижобий хизмат қилади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси [Электрон манба: <https://lex.uz/docs/6445145>. Мурожаат вақти: 29.12.2023 й.].
2. Жураев А. Давлат фуқаролик хизматида рағбатлантириш чораларини қўллашнинг ҳуқуқий асослари //Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 8/S. – С. 326-335.
3. Киселева О. М., Малько А. В. Институт правового поощрения в России: историко-юридический аспект // Известия высших учебных заведений. Правоведение. 1999. №. 3 (226). С. 40. Также см.: Бахрах Д. Н. Поощрение в деятельности публичной администрации // Журнал российского права. 2006. № 7. С. 71; Осинцев Д. В. Методы административного воздействия. СПб.: Юридический центр «Пресс», 2005. С. 101; Жураев А. Давлат фуқаролик хизматида рағбатлантириш чораларини қўллашнинг ҳуқуқий асослари //Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 8/S. – С. 326-335.
4. Волкова В. В. Поощрения публичных служащих: понятие, виды, процедура применения // Вестник Майкоп. гос. технол. ун-та. 2013. № 2. С. 78
5. Малько А. В. Поощрительно-правовая политика в России: необходимость формирования // Современное право. 2010. № 12. С. 29–32

⁹ Ички ишлар органлари ходимларини рағбатлантирилишига ўзгаришлар киритилди [Электрон манба: <https://www.gazeta.uz/uz/2019/03/12/ii-ragbat>. Мурожаат вақти: 29.12.2023 й.].



6. Типикина Е. В. Заслуга как основание для правового поощрения... С. 10; Григорьев В. А. Наградное (поощрительное) право, как средство предупреждения коррупции среди государственных служащих // Конституционное и муниципальное право. 2003. № 3. С. 35–37; Караваев А. Н. Проблемы совершенствования института поощрения в государственно-служебных отношениях: перспективы развития // Правовая культура. 2017. № 2 (29). С. 59–63 ; Попова В. В. Поощрительные нормы современного российского права : автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Омск, 2015. С. 24–25.
7. Жўраев М. Ички ишлар органлари бошқарув тизимида инновацион лойиҳаларни жорий этиш давр талаби //Innovations in Technology and Science Education. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 185-191.
8. Саидов Б.А., Асқаров Ў.Б. ички ишлар органлари фаолиятини бошқаришда ишонтириш ва мажбурлаш усуллари тақомиллаштириш //ta'lim va rivojlanish tahlili onlayn ilmiy jurnali. – 2023. – Т. 3. – №. 3. – С. 28-32.
9. Ички ишлар органлари ходимларини рағбатлантирилишига ўзгаришлар киритилди [Электрон манба: <https://www.gazeta.uz/uz/2019/03/12/ii-ragbat>. Мурожаат вақти: 29.12.2023 й.].